Халқаро Ҳамкорлик Маркази" акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши мажлиси баённомасидан кўчирма

"Халқаро Ҳамкорлик Маркази" акциядорлик жамияти
Кузатув кенгаши мажлиси
БАЁННОМАСИ

1/2025-сон

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 6-уй.

"Халқаро Ҳамкорлик Маркази" акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) Кузатув кенгаши мажлиси ўтказилди.

Кун ва вақт: 2025 йил 21 январь, соат 14:00.

Раислик қилди:	А.А. Пайгамов – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Департаменти Раҳбари, Кузатув кенгаши Раиси.
Кузатув кенгаши аъзолари:	Ш.Х. Гуламов – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазири ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи;
	Б.А. Зуфаров – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги "InterForum" ДУК директори;
	Р.Т. Салахов – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги "InterForum" ДУК директори ўринбосари;
	О.А. Хуррамов – Давлат активларини бошқариш агентлиги Шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар ва даъво ишларини юритиш бўйича юридик бошқарма бошлиғи ўринбосари.
Таклиф қилинганлар:	Махмадалиев У.У. – "Халқаро Ҳамкорлик Маркази" АЖ молия ва стратегик режалаштириш бўйича директори;
	С.И. Маткаримов – Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги "InterForum" ДУК Юридик бюро бошлиғи.

Жамият Кузатув кенгашининг (кейинги ўринларда – Кузатув кенгаши) барча аъзолари иштирок этди.

Мажлис кворуми – 100 фоиз. Мажлис қарор қабул қилиш ваколатига эга.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг 2024 йил 21 декабрдаги 3/2024-сон баённида белгиланган топшириқ ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича Жамият томонидан амалга оширилган чора-тадбирларни кўриб чиқиш.

2. Жамият Бошқаруви Раисининг меҳнат шартномасини ўз хоҳишига биноан бекор қилиш тўғрисида 2024 йил 25 декабрдаги аризасини кўриб чиқиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 декабрдаги 786-F-сон фармойиши ижросини таъминлаш масаласи.

4. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш масаласи:

– *умумий йиғилишни ўтказиш куни, вақти ва жойини белгилаш;*

– *умумий йиғилишнинг кун тартибини тасдиқлаш;*

– *умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш мақсадида Жамият акциядорлари реестрини тузиш кунини тасдиқлаш;*

– *умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш тартибини тасдиқлаш;*

– *умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриш давомида акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар (ҳужжатлар)нинг рўйхатини тасдиқлаш.*

...

ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ:

...

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

2.1. "Халқаро Ҳамкорлик Маркази" АЖ Бошқаруви Раиси билан тузилган **меҳнат шартномаси ўз аризасига биноан** қонунчиликда белгиланган тартибда **бекор қилинсин.**

2.2. "Халқаро Ҳамкорлик Маркази" АЖ молия ва стратегик режалаштириш бўйича директори **У.У. Махмадалиев** Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган муддатга Жамият **Бошқаруви Раиси вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинлансин.**

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги "InterForum" ДУК директори, Жамият Кузатув кенгаши аъзоси Б.А. Зуфаровга, заруратга кўра, кун тартибидаги иккинчи масала бўйича Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий

йиғилишида кўриб чиқиладиган муддатга тегишли **ҳужжатлар** ва **келишувларни имзолаш ваколати берилсин.**

...

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

4.1 Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши (кейинги ўринларда – умумий йиғилиш) чақирилсин.

4.2 Умумий йиғилиш **2025 йил 19 февраль** куни Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107-Б уй манзилида жойлашган маъмурий бинода ўтказилсин.

4.3 Умумий йиғилиш бошланиши – соат 16:00да, йиғилиш қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш – соат 15:00 дан 15:45 гача амалга оширилиши тасдиқлансин.

4.4 Умумий йиғилишнинг кун тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

1) Жамият Бошқаруви Раиси вазифасини вақтинча бажарувчи, "Халқаро Ҳамкорлик Маркази" АЖ молия ва стратегик режалаштириш бўйича директори У.Ў. Махмадалиев билан шартнома тузиш масаласини кўриб чиқиш.

2) Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.

4.5 Жамият акциядорлари реестрини тузиш кунини белгилаш:

- Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабарнома юбориш – 2025 йил 22 январь;

- Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши санаси – 2025 йил 19 февраль.

4.6 Жамият акциядорларини навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабардор қилишнинг қуйидаги тартиби тасдиқлансин:

- Жамият акциядорларини навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш;

- Оммавий ахборот воситаларида, Корпоратив маълумотлар ягона портали ва Жамиятнинг веб-сайтида чоп этиш.

4.7 Жамият акциядорларини навбатдан ташқари умумий йиғилишига тайёргарлик кўрилиши жараёнида акциядорларга қуйидаги маълумотлар (ҳужжатлар) тақдим қилиниши тасдиқлансин:

- "Халқаро Ҳамкорлик Маркази" АЖнинг 2025 йил 14 январдаги SHA-18/01-09-сон маълумотномаси;

- "Халқаро Ҳамкорлик Маркази" АЖнинг 2025 йил 14 январдаги SHA-18/01-10-сон хати;

- "Халқаро Ҳамкорлик Маркази" АЖ Бошқаруви Раиси Ш.А. Аббасованинг меҳнат шартномасини ўз хоҳишига биноан бекор қилиш тўғрисида 2024 йил 25 декабрдаги аризаси;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 декабрдаги 786-F-сон фармойиши.

4.8 Жамият акциядорларини навбатдан ташқари умумий йиғилишида овоз бериш бюллетенининг шакли ва мазмунини тасдиқлаш:

- "Халқаро Ҳамкорлик Маркази" АЖ тўлиқ номи;

- навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиш куни, вақти ва жойи;

- овоз бериш учун киритилган ҳар бир савол ва уларнинг кетма-кетлиги;

- ҳар бир савол бўйича овоз бериш: "ЁҚЛАДИ", "ҚАРШИ", "БЕТАРАФ";

- овоз бериш бюллетени акциядор ёки унинг вакили томонидан имзоланиши шартлиги тўғрисида кўрсатма.

"Халқаро Ҳамкорлик Маркази" АЖ Кузатув кенгаши аъзолари:

Пайгамов Алишербек Азизович

Гуламов Шохрух Хасанович

Зуфаров Бехзод Алишерович

Салахов Равшан Тургунович

Хуррамов Одил Азаматович

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
HUZURIDAGI
"INTERFORUM" DUK

ASLIGA TO'G'RI